# МАЛАКА ВА ТЕХНИК БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

Малака ва техник баҳолаш малака ва техник қисм ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Таклифлари малака ва техник баҳодан ўтмаган иштирокчилар танловда иштирок етишдан четлаштирилади.

Иштирокчилар ичидан ғолиб баллар усулида аниқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлар техник талабларга жавоб бермаса ҳарид комиссияси аъзоларининг умумий кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин.

**Малака ва техник баҳолаш мезонлари**

| № | Талаблар | Талаблар тавсифи | Бириктирилиши талаб этиладиган файл | Туғри келмайди | Кисман мос келади | Юқори балл |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Тақдим этилган техник талабларга мослиги | Иштирокчи рўйхатга мувофиқ қуйидаги маълумотларни тақдим етишиди:<br>- 1-шакл “Танлов иштирокчиси тўгрисидаги умумий маълумот”;<br>- 2-шакл №2 “Кафолат хати”;<br>- 3-шакл “корупция холатларига йўл қўймаслик тўғрисида ариза” | 1-шакл;<br>2-шакл;<br>3-шакл | 0 | 3 | 5 |
| 2 | Сохадаги фаолияти таҳлили | Иштирокчининг камида ўн йиллик йирик корхоналарни аудиторлик текширувидан ўтказиш тажрибасига эгалиги | 4-шакл | 0 | 3 | 5 |
| 3 | Иштокчини фаолияти таҳлили | Банклар олдида мажбуриятлари йўқлиги (кредитлар, банк кафолатлари, аккредитивлар, кафолатлар), ёки контрагентлар томонидан ҳисоб-китоб операцияларини тўхтатиш бўйича тақиқ, ёки терговс, суриштирув, прокуратура, суд ижрочилари қарори билан ёки Ўзбекистон Республикаси Судининг қарори билан муайян миқдордаги пулни ундириш бўйича ҳисоб рақамга тақиқ, шунингдек, картотека №1 (тўловни қабул қилишни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари) ва картотека №2 (ўз вақтида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари) мажбуриятлари | Асосий ҳисоб рақами жойлашган банк томонидан тақдим этилган маълумотнома (эркин шаклда) | 0 | 3 | 5 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | йўқлиги ҳақида банк маълумотномаси мавжудлиги; | | | | |
| 4 | Аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилганлиги таҳлили | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шакллантирилган аудиторлик ташкилотлари реестрида мавжудлиги | Махсус веб-сайт маълумотларидан кўчирма | 0 | 0 | 5 |
| 5 | Аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полисининг мавжудлиги таҳлили | 5 млрд. сўмдан кам бўлмаган аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полисининг мавжуд бўлиши | 5 млрд. сўмдан кам бўлмаган аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси | 0 | 0 | 5 |
| 6 | Сертификатланган аудиторларнинг мавжудлиги таҳлили | Иштирокчи жамоасида камида 8 киши аудиторлик сертификати (миллий) мавжудлиги | -аудиторлик сертификати;<br>Штатлар жадвали; | 0 | 0 | 5 |
| 7 | Аудиторларнинг иш тажрибасига эгалиги таҳлили | Иштирокчи жамоасида аудиторлик иш тажрибасига эга 10 нафар мутахассиснинг мавжудлиги | -аудиторлик сертификати; | 0 | 0 | 5 |
| 8 | Халқаро микёсда тан олинган сертификатлар мавжудлиги таҳлили | Иштирокчи жамоасида камида 8 кишида халқаро микёсда тан олинган сертификатларга (ACCA, DipIFR CPA, CIPA) | халқаро микёсда тан олинган сертификатлар (ACCA, DipIFR CPA, CIPA) | 0 | 0 | 5 |
| 9 | Бюджет ва мақсадли фондлар олдида қарздорлигини йўқлиги таҳлили | Аудиторлик ташкилотининг бюджет ва мақсадли фондлар олдида қарздорлигини йўқлиги тўғрисида маълумот | my.soliq.uz сайтидан охирги беш кун ичида олинган маълумотнома | 0 | 0 | 5 |

# ТАКЛИФЛАРНИ НАРХ ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

Харид қилиш комиссияси томонидан нарх қисми кўрсатилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Иштирокчи таклифининг нарх қисмида талабларда кўрсатилган маълумотлар, шу жумладан товарлар (хизматлар, ишлар) номи, бирлик нархи, барча солиқлар, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқаларни ўз ичига олган умумий харажатлар бўлиши керак.

**Нарх жихатдан баҳолаш меъзони**

| № | Меъзон | Баҳолаш | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 . | Энг паст нарх/ қиймат энг юқори балли билан баҳоланади<br>Энг юқори балл индикаторнинг минимал қийматига берилади. | Баҳолаш = (таҳлил қилинган меъзоннинг минимал қиймати/ қиймати) *100 | 10 балли баҳолаш тизими |

**ТАКЛИФЛАРНИ ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ порталда курсатилган уртача арифметик хисоби буйича бахоланади**

Баҳолаш гуруҳи томонидан олинган маълумотлар асосида амалга оширилади:

1) малака ва техник баҳолаш
2) нарх жихатдан баҳолаш
3) бахолаш мезони Хт-харид портали белгилаган тартибда хисобланади. Яъни танловда куйилган максимал бални курсатилган талаблар сонига булинади шунда уртача хар бир талабга баллар сони келиб чикади

| № | Баҳолаш меъзонлари | Ҳар бир босқичда минимал утиш баллар | Хар бир босқичдаги максимал йиғиладиган баллар | Категориянинг умумий улушдаги фоизи | Умумий баҳо (балл) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Малака ва техник баҳолаш | 4,44 | 5 | 90 % | 5 балл |
| 2. | нарх жихатдан баҳолаш | 5 | 5 | 10 % | 5 балл |